

## БОҒ ЗАРАРКУРАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ УСУЛЛАРИ

**Рахмонова Мадинахон Кимсанбоевна**

қ.х.ф.ф.д.доцент Андижон қишлоқ хўжалиги  
ва агротехнологиялар институти

**Шарипова Матлуба**  
**Анваржонов Бегзодбек**

**Аннотация :** Дунё бўйича ҳар йили қишлоқ хўжалигида зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш мақсадида ўртача 75,0 млрд. доллар маблағ сарфланмоқда. Етиштирилаётган ҳосилдорликка нисбатан олганда ўртача етиштирилаётган ҳосилнинг зараркунандалар туфайли 13,8%, касалликлар туфайли 11,6%, бегона ўтлар туфайли 9,5% нобуд бўлиш кузатилмоқда. Аммо ўсимликларни ҳимоя қилишнинг замонавий усулларини қўллаш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш натижасида мева-сабзавот, полиз ва картошка экинларидан ўртача қўшимча 15 ц/га ҳосил сақлаб қолишга эришилмоқда .

**Калит сўзлар:**

### **КИРИШ**

Республикамиз қишлоқ хўжалигини техник ва технологик янгилаш мақсадида 2015 йилда 9,7 минг гектар майдонда янги интенсив боғлар ташкил этилиб, 2746,2 минг тонна мева махсулотлари етиштирилди. Хусусан 2017 йилда янги ташкил этилган олма боғларининг хажми 5,2 минг гектар майдонни ташкил этган ва экспорт хажми 12% га ортган. Мамлакатимиз аҳолисини озиқ - овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиш каби вазифалардан келиб чиқиб, экинларни етиштиришда замонавий илмий асосланган технология ва воситалардан фойдаланишни талаб этади. Мевали боғларнинг ҳосилдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири – уларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишдир. Юртимиз боғларида уруғ мевали дарахтлардан олма, нок ва беҳига ўсимлик битлари (ширалар), қон бити, қалқондорлар, мевахўрлар ва ўргимчаккана, данак мевали дарархтларга эса ўсимлик битлари (ширалар), қалқондорлар, мевахўрлар, баргхўрлар жиддий зарар етказди. Бу зараркунандалар биоэкологиясини яхши билиб, кураш тадбирларини уларнинг энг заиф даврида ўтказиш яхши самара беради.

Зараркурандаланинг учраш даражасива кураш усуллари : Ўсимлик битлари (ширалар) тушган олма, нок, шафтоли, ўрик, олхўри, бодом каби мевали дарахтлар барглари бужмайиб қолади, баъзан эса тўкилиб кетади. Ёш кўчатлар, жумладан, шафтоли ниҳолларига ширалар, айниқса, катта зарар етказди: мева ширасини сўриб, сифатини пасайтиради. Нимжон бўлиб қолган дарахтларга иккиламчи зараркунанда - пўстлоқ ости қўнғизлари тушиб зарарлайди, дарахтлар қуриб қолади.

Баҳор охирларида шираларнинг кўп турлари мевали дарахтлардан бошқа ўсимликлар ёки сабзавотларга ўтади. Кўпгина йирт-қич ва паразитлар - хонқизи, сирфид пашшаси, олтинкўз, яйдоқчи каби фойдали ҳашаротлар ширалар билан озиқланиб уларнинг миқдорини камайтиради. Боғларда шираларнинг миқдори кўпайиб кетганда қуйидаги кимёвий препаратлар ёрдамида кураш ўтказилади: Кинмекс – 0,3; Децис – 0,5–1; Би-58 (янги), Нугор ёки Данадим – 1–2; Карбофос ёки Фуфанон – 1–3; Данитол – 1,5; Циперметрин – 0,32; Дуэт, Нурелл-Д, Сайрен-С, Тагрелл-Д, Ципи плюс ёки Циперфос – 1–1,5 л/га.

Қон бити олма, нок ва беҳи дарахтларининг илдизини, тана ва шохларининг ширасини сўриб, дарахтларни кучсизлантиради. Битнинг шира сўрган жойларида ғуддалар пайдо бўлади, улар кейинчалик ёрилиб, чирийди. Қон бити тушган ёш дарахтлар кўпинча қуриб қолади, кекса дарахтлар эса кучсизланиб, ҳосили жуда камайиб кетади. Қон бити кўп тушган шохлар қурийд. Битларнинг галалари сидирға мум пар билан қопланади. Қон бити ёз бўйи 15–17 марта авлод бериб ривожланади. Қон битига қарши курашда кимёвий воситалардан фойдаланиш яхши самара беради. Қон бити ёш личинкалик даврида қуйидаги системали таъсир этувчи препаратлар билан ишлов бериш керак: Карбофос ёки Фуфанон – 1–3; Данитол – 1,5; Дуэт, Нурелл-Д, Сайрен-С, Тагрелл-Д, Ципи плюс ёки Циперфос – 1–1,5 л/га.

Қалқондорлар мевали дарахтлар, резавор мева, буталар ва манзарали ўсимликларга зарар етказишади. Калифорния қалқондори мевали дарахтларнинг шохи, новда, барг, дарахт пўстлоғи ва мевасини зарарлайди. Натижада дарахтлар кам ҳосил беради, кучли зарарланганда қуриб қолиши мумкин. Сохта қалқондор личинкаси калифорния қалқондоридан каттароқ бўлади, баҳорда тез кўпаяди ва ўзидан шира ажратади.

Асосий зарар қалқондорларнинг озиқланиши натижасида вужудга келади: мева ва барг юзасида доғ ҳосил қилади. Бундай меваларнинг сифати паст, узоқ муддат сақлаш қийин. Сохта қалқондорлар кўпайганда дарахт ўсишини сусайтиради. Бинафшаранг қалқондор олма дарахтининг энг хавфли зараркунандаларидан бири. У дарахтнинг танаси, шохи, новдаси ва ҳосилини зарарлайди. Дарахтнинг кучли зарарланган қисми қуриб қолади. Дарахт танаси ва шохидида кўпгина дарз ва ёриқлар пайдо бўлади. Дарахтлар ўсишдан тўхтайд, танаси деярли йўғонлашмайди, шох ва новдалари қурийд. Бинафшаранг қалқондор тушган ёш дарахтлар 2–3 йилда нобуд бўлади.

Қалқондорларга қарши кураш чораларини ўтказишда юқори самарага эришиш учун уларнинг “дайди” личинкалари пайдо бўлган пайтда: Атилла – 0,4–0,8; Люметрин – 0,25–0,4; Далметрин – 0,1–0,15; Децис – 0,5; Би-58 (янги), Нугор ёки Данадим – 1–2; Конфидор ёки Пиларкинг – 0,15–0,25; Карбофос ёки Фуфанон – 1–3; Данитол – 1,5 л/га препаратларининг бирини пуркаш зарур.

Олма мевахўри ҳаммахўр бўлиб, 30 турдан ортиқ мевали дарахтларнинг меваси билан озиқланади. Олма қурти 1 йилда 3 мартта авлод беради. Июнь

ойида зараркунанданинг иккинчи авлод капалаклари учиб тухум кўйишга киришади. Тухумдан чиққан қуртлар барг ва мева эти, кейинчалик унинг уруғи билан озиқланади. Ҳар бир қурт 2–3 тадан мевани зарарлайди. Мевага кирган жойида чиқиндисини кўриш мумкин. Қурт етилгандан сўнг мевадан чиқиб, дарахт устида ёки яқинида ҳимояланган ҳолда ғумбакка айланади.

Шарқ мевахўри ички карантин объекти ҳисобланиб, олма, нок ва беҳи дарахтларининг меваларига худди олма қурти каби зарар етказиши. Ҳашарот данакли мевалардан шафтоли, гилос, олхўри, ўрикка ҳам жиддий зарар етказиши. У асосан новда ва мевани зарарлайди. Янги ўсган новда учидан кириб ўртасини кемиради. Мева ичига кириб данак атрофини ейди ва етилиб, мева ичидан чиқади ва ғумбакка айланади.

Шарқ мевахўри Тошкент, Самарқанд ва Фарғона водийси вилоятлари боғларида шафтоли, олхўри ва гилос дарахтларига жиддий зарар етказиши аниқланди. Шарқ мевахўридан шафтоли меваларини ҳимоя қилиш учун мавсум давомида камида 3 марта: ялпи гуллашдан сўнг ва 18–22 кун оралатиб инсектицидлар ёрдамида кимёвий ишловлар ўтказиш юқори самара беради.

Олхўри мевахўри қуртлари олхўри, олча мевалари, баъзан тоғолча, ўрик, шафтоли меваларига зарар етказиб, уларнинг тўкилиб кетишига сабаб бўлади. Олхўри ва олма қуртларининг ҳаёт кечириши кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшайди, аммо олхўри қурти данакли меваларга кўпроқ зарар етказиши. Олхўрининг зарарланган жойидан аксарият ҳолларда елим чиқиб туради. Кўпинча бундай мева чириб, тўкилиб кетади.

Боғларда мевахўрларга қарши қўйидаги кимёвий препаратларнинг бирини пуркаш тавсия этилади: Кинмекс – 0,3; Люметрин – 0,25–0,4 Талстар – 0,4–0,6; Далметрин – 0,1–0,15; Децис, Пилардельта – 0,5–1; Би-58 (янги), Нугор ёки Данадим – 1–2; Аваунт, Далинка – 0,35; Атилла, Каратэ ёки Кураш – 0,4–0,8; Брейк-МЭ – 0,2–0,4; Карбофос ёки Фуфанон – 1–3; Калипсо – 0,1–0,15; Данитол – 1,5; Суперкилл, Циперметрин, Ципи ёки Шерпа – 0,16–0,32; Дуэт, Нурелл-Д, Сайрен-С, Тагрелл-Д, Ципи плюс ёки Циперфос – 1–1,5; Суми-альфа ёки Эсфен-альфа – 0,5–1 л/га.

Ғилофли куя қуртлари олма, ўрик, бодом, нок, гилос, олча, тоғолча ва бошқа дарахтларнинг барг куртаклари ҳамда мева куртакларини ўйиб ейди. Қаттиқ шикастланган куртаклар қуриб қолади, кам шикастланганларида эса буришиб кетган барглар ҳосил бўлади. Қуртлар барглар ва мева куртаклари билан озиқланади. Барглар пайдо бўлиши билан қуртлар баргга ўтиб, ичига ўйиб киради ва паренхимасини еб битиради. Қаттиқ шикастланган барглар сарғайиб тушиб кетади. Боғ куяларига қарши қўйидаги кимёвий препаратлар яхши самара беради: Би-58 (янги), Нугор ёки Данадим – 1–2; Карбофос ёки Фуфанон – 1–3; Данитол – 1,5; Дуэт, Нурелл-Д, Сайрен-С, Тагрелл-Д, Ципи плюс ёки Циперфос – 1–1,5 л/га.

Ўргимчаккана одатда олма дарахтига кўпроқ зарар етказди, аммо бошқа уруғли ва данакли мева дарахтларига ҳам тушади. Ўргимчаккана зарарлаган барглар дастлаб сарғаяди, кейин эса кўнғир тусга кириб тўкилиб кетади. Мева ўргимчакканаси дарахт танасидаги пўстлоқлар остида ва дарахт танасидаги ёриқларнинг ичида, бегона ўтлар қолдиғи тагида, шохларда ва қисман шохлардаги куртаклар яқинида тўп-тўп бўлиб қишлайди. Зараркунанда мевали дарахтлар барги хужайрасининг ширасини сўриб озиқланади. Вақтида кураш тадбирлари ўтказилмаса барглар ва мевалар тўкилиб кетади.

Мевали боғлардаги ўргимчакканаларга қарши қуйидаги ким-ёвий препаратларнинг бирини пуркаш тавсия этилади: Пиларстар ёки Талстар – 0,4–0,6; Неорон – 1,5–3; Би-58 (янги), Нугор ёки Данадим – 1–2; Атилла, Каратэ ёки Кураш – 0,4–0,8; Брейк-МЭ – 0,2–0,4; Омайт ёки Узмайт – 1,5–3; Данитол – 1,5; Дуэт, Нурелл-Д, Сайрен-С, Тагрелл-Д, Ципи плюс ёки Циперфос – 1–1,5 л/га; Ниссоран – 0,3 кг/га.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Рахмонова, М. К., Хамдамов, К. К., Парпиева, М. К., & Абдуллаева, Г. Д. МЕТОД ПРИМЕНЕНИЯ ТРИХОГРАММЫ ПРОТИВ ЯБЛОННОЙ ПЛОДОЖОРКИ. *Zbiórartykułów naukowych recenzowanych.*, 160.
2. Рахмонова, М. К. (2018). Применение трихограммы (TRICHOGRAMMAEVANESCENS) против яблоневой плодожорки. *Актуальные проблемы современной науки*, (4), 215-217.
3. Бустанов, З. Т., Хамдамов, К. К., Рахмонова, М. К., & Рустамова, Г. Ю. (2018). ВЛИЯНИЕ КОМБИНИРОВАННОЙ БОРЬБЫ НА КАЧЕСТВО ФРУКТОВ, ЭКСТРАКТИВНОСТЬ ЧЕРВЕЙ ВОДОРОСЛЕЙ. In *Особенности современного этапа развития естественных и технических наук* (pp. 84-87).
4. Рахмонова, М. К., Хамдамов, К. К., & Мирабдулаева, Н. (2020). БИОЛОГИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРЕПАРАТА «АБАМ ЭКСТРА» ПРОТИВ ЯБЛОНЕВОЙ ПЛОДОЖОРКИ. *Актуальные проблемы современной науки*, (5), 148-150.
5. Исашова, У. А., & Рахмонова, М. К. (2020). ЗНАЧЕНИЕ ПАРАЗИТАРНЫХ ЭНТОМОФАГОВ ПРИ УПРАВЛЕНИИ ЧИСЛЕННОСТЬЮ ТЛЕЙ В ОВОЩНЫХ КУЛЬТУРАХ. *Актуальные проблемы современной науки*, (5), 139-141.
6. Рахмонова, М. К., Хамдамов, К. Х., & Абдуллаева, Г. Д. (2019). ИНТЕНСИВНЫЕ ЯБЛОНЕВЫЕ САДЫ: БИОМЕТОДЫ. *Вестник науки*, 1(12), 252-256.